



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Учқудук туман ХТБ мудир

Ж.Халилов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Учқудук -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Учқудук туман Фазогирлар кўчасида жойлашган **10-сонли мактаб спорт майдони (стодион)ни жорий таъмирлаш учун**

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **293 724 219 (Икки юз тўқсон уч миллион етти юз йигирма тўрт минг икки юз ўн тўққиз)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича **ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Учқудук туман Халқ таълим бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят **Учқудук туман Халқ таълим бўлими** Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Учқудук туман Халқ таълим бўлими** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун

олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Учкудук туман Халқ таълими мудирини:

Ж.Халилов

2022 йил

Учкудук туман Фазогирлар кўчаси жойлашган 10-сонли мактаб спорт майдони
(стодион)ни жорий таъмирлаш учун
ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Учкудук туман Фазогирлар кўчаси жойлашган 10-сонли мактаб спорт майдони (стодион)ни жорий таъмирлаш учун
2	Буюртмачи	Учкудук туман Халқ таълими бўлими
3	Буюртма учун асос	Учкудук туман Фазогирлар кўчаси жойлашган 10-сонли мактаб спорт майдони (стодион)ни жорий таъмирлаш учун
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Учкудук туман Фазогирлар кўчаси ҳудудида
5	Қатнашувчилар учун талаблар	1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва пудратчи уставидан нусхаларидан кўчирма. 2. Учкудук туманга солиқ туловчи бўлиши лозим. 2.1 Солиқ тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги ва қайси тур солиқ (айланма ёки ҚҚС) тўловчиси тўғрисидаги маълумот. 3. Охириги уч йиллик банк айланиши ва банк реквизитлари тўғрисида маълумот. 3.1 Пудрат ташкилоти давлат харидлари махсус порталида қора рўйхатда турмаганлиги тўғрисида маълумот. 4. Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусхасидан кўчирма. 5. Ишчи кучи тўғрисида маълумотлар (малакали мутахассислар мавжудлиги тўғрисида). 6. Махсус техникалари мавжудлиги тўғрисида маълумот (Агар техника ижарага олинган бўлса шартномалар нусхасидан кўчирма). 7. Қурилиш вазирлигининг махсус порталидаги пудратчи ташкилот рейтинг тўғрисида маълумот ва ишни бажариш учун рейтинг талаби категория бўлиши лозим бўлиши лозим. 8. Бажариладиган ишлар физик ҳажми маълумот, бажариладиган ишларга ҳамда эълонда кўрсатилган смета ҳужжатларига мос равишда бўлиши лозим. 9. Кафолат хати (бажариладиган ишлар сифатига энг камида бир йил муддатга кафолат бериш тўғрисида).
6	Тижорат тақлифларини тақдим этиш шартлари	1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва пудратчи уставидан нусхаларидан кўчирма. 2. Учкудук туманга солиқ туловчи бўлиши лозим. 2.1 Солиқ тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги ва қайси тур солиқ (айланма ёки ҚҚС) тўловчиси тўғрисидаги маълумот. 3. Охириги уч йиллик банк айланиши ва банк реквизитлари тўғрисида маълумот. 3.1 Пудрат ташкилоти давлат харидлари махсус порталида қора рўйхатда турмаганлиги тўғрисида маълумот. 4. Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусхасидан кўчирма. 5. Ишчи кучи тўғрисида маълумотлар (малакали мутахассислар мавжудлиги тўғрисида). 6. Махсус техникалари мавжудлиги тўғрисида маълумот (Агар техника ижарага олинган бўлса шартномалар нусхасидан кўчирма). 7. Қурилиш вазирлигининг махсус порталидаги пудратчи ташкилот

		рейтинги тўғрисида маълумот ва ишни бажариш учун рейтинг талаби категория бўлиши лозим бўлиши лозим. 8. Бажариладиган ишлар физик хажми маълумот, бажариладиган ишларга ҳамда эълонда кўрсатилган смета хужжатларига мос равишда бўлиши лозим. 9.Кафолат хати (бажариладиган ишлар сифатига энг камида бир йил муддатга кафолат бериш тўғрисида).
7	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Шартнома тузилган санадан 10 иш кун мобойнида 30 (%) фоиз тўлов олдиндан тўлов. Ишлар бажарилгандан сўнг 30 иш кун мобойнида 70 (%) фоиз тўлов амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	Бир ой муддатда.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Учқудук туман Халқ таълими бўлимининг “Очиқ бюджет” маблағлари ҳисобидан.